

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Зангиота тумани санитария-
эпидемиологик осойишталик ва жамоат
саломатлиги бўлими бошлиғи
Ж.Б.Забуров



Товарлар ва хизматларни сотиб олиш учун

Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари:
Зангиота тумани санитария-эпидемиологик осойишталик
ва жамоат саломатлиги бўлимига қарашли бинолар ва
ҳудудларда электр монтаж ишларини амалга ошириш
бўйича энг яхши таклифларни танлаш

Таклифларни баҳолаш мезонлари ва кўриб чиқиш тартиби Танлаш
комиссияси томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган:

Зангиота тумани санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат
саломатлиги бўлими

Тошкент – 2022 й.

МУНДАРИЖА

I. Танлаш бўйича иштирокчилар учун кўрсатмалар.

II. Танлашнинг нарх қисми.

Танлов ҳужжатларининг шакллари ва аризалари.

Ариза берувчи учун мезонлар.

I. ТАНЛАШ БЎЙИЧА ИШТИРОКЧИЛАР УЧУН КЎРСАТМАЛАР

1	Умумий қоидалар.	1.1	Бу қўлланма Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха бошқаруви миллий агентлигининг “Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 26 майда 3016 рўйхат рақами билан рўйхатдан ўтказилган буйруқларига асосан ишлаб чиқилган.
		1.2	Танлаш ўтказиш мақсади: Зангиота тумани Давлат санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлимига қарашли бинолар ва худудларда электр монтаж ишларини амалга ошириш бўйича энг яхши таклифларни танлаш
		1.3	Танлаш ўтказишнинг чегаравий қиймати 149 800 000 сум ҚҚС билан
		1.4	Таклифда кўрсатилган нархлар чегаравий қийматдан ошмаслиги керак.
		1.5	Сотиб олинadиган маҳсулотлар (товарлар ва хизматлар) учун техник топшириқлар ушбу ҳужжатнинг техник қисмида келтирилган.
		1.6	Танлов комиссияси йиғилишининг шакллари - кундузги

2	Танлаш ташкилотчилари ва манзили	2.1	<p>Танлаш ўтказиш Буюртмачиси Зангиота тумани Давлат санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлими (кейинги ўринларда «Буюртмачи») ҳисобланади.</p> <p>«Буюртмачи» манзили: Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Назарбек шоҳ кўчаси, 1-коттедж.</p> <p>«Буюртмачи» реквизитлари: Юридик манзил: Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Назарбек шоҳ кўчаси, 1-коттедж. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги Ҳисоб рақами: 2340 2000 3001 0000 1010 Банк: Марказий банкнинг Тошкент шаҳридаги ҳисоб-китоб касса маркази ИНН: 201 122 919 МФО: 00014 ОКЭД: 86100 Шахсий ҳисоб рақами: 401422860272377074110054001 ИНН: 200580524</p>
		2.2	<p>Масъул шахс: Усманова атире Расимовна тел.: +(998 90)188-44-58</p>
		2.3	<p>Комиссиянинг ишчи органи Зангиота тумани Давлат санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлими Танлов комиссияси (кейинги ўринларда "Ишчи орган" деб юритилади) ҳисобланади.</p> <p>Манзил: Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Назарбек шоҳ кўчаси, 1-коттедж.</p>
		2.5	<p>Танлов буюртмачи томонидан тузилган (камида беш аъзодан иборат) танлов комиссияси томонидан ўтказилади, у танлов учун вақтинчалик комиссия ҳисобланади.</p>
3	Танлов қатнашчилари	3.1	<p>Танловда мулкчилик шаклидан қатъи назар, ҳар қандай юридик шахс, шу жумладан кичик бизнес субъектлари иштирок этишлари мумкин. 4.2 -бандда кўрсатилган юридик шахслар бундан мустасно.</p>
4	Танлов ўтказиш тартиби	4.1	<p>Танловда қатнашиш учун танлов иштирокчиси:</p>

		<p>а) танлов шартлари билан танишиш учун махсус ахборот порталида жойлаштирилган танлов ҳужжатларининг электрон версиясини олиш (юклаб олиш);</p> <p>б) Танловда камида бир йиллик тажрибага эга бўлган ушбу турдаги ишлар ва хизматларни бажариш ҳуқуқига эга бўлган барча ташкилотлар қатнашиши мумкин.</p> <p>в) Танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ танлов таклифини тақдим этиш;</p>
	4.2	<p>Танловда қуйидаги қатнашувчиларга рухсат берилмайди:</p> <p>қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлган ташкилотларга;</p> <p>"Буюртмачи" билан суд ёки бошқа келишмовчилик ҳолатида бўлган ташкилотларга;</p> <p>виждонсиз ижрочиларнинг ягона реестрида жойлашган;</p> <p>солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорлиги мавжуд ташкилотларга;</p> <p>зарур ҳужжатлар тўпламини ўз вақтида тақдим этмаган ташкилотлар;</p> <p>Иш ва хизматларни бажариш учун лицензия ва сертификатлар йўқлиги (агар иш тури махсус лицензияни талаб қилса)</p> <p>Юқорида айтиб ўтилган мажбурий ҳужжатлардан ташқари, иштирокчи ўзининг молиявий аҳволи, обрўси, иш тажрибаси ва бошқаларни ақс эттирувчи қўшимча маълумотли ҳужжатларни тақдим этиш ҳуқуқига эга.</p>
	4.3	<p>"Буюртмачи" қуйидаги ҳолларда танлов иштирокчисини танловдан четлатиши мумкин:</p>
		<p>иштирокчи буюртмачининг ёки бошқа давлат органининг амалдаги ёки собиқ мансабдор шахсига, ходимига тўғридан-тўғри ёки билвосита танловда ғолиб бўлиш учун ҳар қандай ҳаракатнинг бажарилишига таъсир қилиш мақсадида ҳақ тўлашни ёки ҳар қандай шаклдаги рағбатлантиришни таклиф қилса;</p>

			Агар иштирокчи конунни бузган ҳолда адолатсиз рақобат устунлигига ёки манфаатлар тўқнашувига эга бўлса.
5	Танлов тили, ўлчов бирлиги.	5.1	Иштирокчи ва буюртмачи томонидан амалга ошириладиган танлов таклифи ва унга тегишли барча ёзишмалар ва ҳужжатлар ўзбек ёки рус тилида бўлиши керак.
6	Танлов таклифи ва уни рўйхатдан ўтказиш тартиби	6.1	Танлов иштирокчиси:
			тақдим этилган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгардир;
			Иштирокчи фақат битта таклифни тақдим этиш ҳуқуқига эга;
			Иштирокчи таклифларни тақдим этиш муддати тугагунга қадар тақдим этилган таклифни қайтариб олиш ёки ўзгартириш ҳуқуқига эга эмас.
7	Бошқа шартлар	7.1	Танловда қатнашиш истагини билдирган иштирокчилар, ўтказилаётган танлов ҳақида тушунтириш бериш учун комиссия аъзоларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.
		7.2	Танлов комиссияси қуйидаги ҳолларда танлов амалга ошмади деб топиши мумкин: агар танловда битта иштирокчи қатнашган бўлса ёки ҳеч ким қатнашмаган бўлса; агар таклифларни кўриб чиқиш натижаларига кўра, танлов комиссияси танлов ҳужжатлари талабларига мос келмаслиги сабабли барча таклифларни рад этган бўлса;

II. НАРХ ҚИСМИ

1	Чегаравий қиймати	149 800 000 сўм ҚҚС билан
2	Молиялаштириш манбаи	Бюджетдан ташқари маблағлар
3	Тўлов шартлари	Хизмат ҳақи шартнома тузилгандан сўнг, шартнома миқдорининг 30% олдиндан тўланиши билан амалга оширилади. Якуний тўлов 70% тўлиқ маҳсулот етказиб берилгандан сўнг амалга оширилади.
4	Тўлов валютаси	Сўм - Ўзбекистон Республикаси валютаси
6	Бажариш, етказиб бериш муддати (хизматлар, ишлар)	2022 йил 31 декабргача

Олдиндан тўлов миқдори (%)

Кўрсатиладиган хизмат учун ҳақ шартнома тузилгандан сўнг, шартнома суммасининг 30% олдиндан тўланиши билан амалга оширилади.

Буюртма бўйича хизмат ҳақи имзоланган ҳисоб-фактура, бажарилган ишлар далолатномалари асосида тўланади. Актга ижро ҳужжатлари илова қилиниши керак.

Товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) буюртмачи эҳтиёжларига мувофиқлиги (товар белгилари, Давлат стандарти, нав, товар номлари ва бошқалар)